

ISSUES OF MOVING TOWARDS THE DEVELOPMENT OF DIGITAL ECONOMY THROUGH THE PROVISION OF ECONOMIC SECURITY

The article draws attention to the development of the digital economy through ensuring economic security and changes in macroeconomic indicators, as well as provides information on economic security, the digital economy and the impact of the national economy on developing economies.

Key words: economic security, digital economy, information security, information technology platform, blockchain, centralized database, confidence in numbers, monetary and fiscal policy, socio-political stability, economic sovereignty, increased security, international trade, IP-telephony, unnatural intelligence

The digital revolution is changing our life and society with unprecedented speed and unprecedented proportions, while creating enormous opportunities and enormous difficulties. New technologies can make a significant contribution to achieving sustainable development goals, but positive results are by no means guaranteed. In order to fully reveal the socioeconomic potential of digital technologies, while avoiding undesirable consequences, it is necessary to strengthen international cooperation as soon as possible. In an unprecedentedly short time, progress in digital technologies has created tremendous wealth, concentrated, however, in a small group of individuals, companies and countries. With current policies and regulations in place, this trend is likely to continue, causing a further increase in inequality. Without appropriate efforts, it will not be possible to bridge the digital divide, in which more than half of the world's population has only limited access to the Internet or does not have it at all. In order for the digital economy to work for the common good, it must be inclusive. New technologies, especially artificial intelligence, are inevitably associated with significant changes in the labor market, including job cuts in some sectors and the creation of new opportunities in others on a massive scale.

The digital economy requires a wide variety of new knowledge and skills, fundamentally new measures of social protection and a qualitatively new relationship between work and leisure. Large investments are needed to develop education, focused not only on the learning process itself, but also on learning how to organize this process, as well as ensuring universal access to educational services throughout life. The digital economy is also creating new risks, including threats to cybersecurity, facilitating illegal economic activities and encroachment on privacy. The search for new solutions requires the joint efforts of governments, civil society, academia, the scientific community and the technology sector. Every day, we are witnessing numerous examples of how digital technologies contribute to peace, human rights and sustainable development for the benefit of society.

This first issue of the Digital Economy Report, formerly known as the Information Economy Report, looks at the implications of the emerging digital economy for developing countries in terms of value creation and benefits. Particular attention is paid to the two main factors of value creation in the digital age, namely

digital data and platforms, and the question of how it is possible to reverse the existing trends in the concentration of wealth and to ensure a more equitable distribution of the fruits of digitalization is considered.

Over the past ten years, the global export of ICT services and services that can be provided using digital technologies has increased much faster than the entire export of services in general, which indicates an ever-increasing digitalization of the global economy. In 2018, the volume of exports of services provided using digital technologies reached \$ 2.9 trillion, which amounted to 50% of the global export of services. In LDCs, such services accounted for an estimated 16% of total exports of services, and in 2005–2018 their exports more than tripled.¹

Digital platforms are playing an increasing role in the global economy. In 2017, the aggregate value of platform-based companies with a market capitalization of more than \$ 100 million exceeded an estimated \$ 7 trillion, up 67% from 2015. Some global digital platforms have gained very strong market positions in certain segments. For example, about 90% of the market for search engines for the Internet belongs to Google. Facebook accounts for two-thirds of the global social media market, and its platform is the most popular among social networks in more than 90% of countries. Almost 40% of global online retail sales are carried out through the Amazon network, and its subsidiary Amazon Web Services accounts for approximately the same share of the global cloud infrastructure services market. In China, the Wechat communications network (owned by Tencent) has more than a billion active users, and its payment system, along with the Alipay system (owned by Alibaba), covers almost the entire Chinese market for payments made through a cellular network. At the same time, Alibaba accounts for an estimated 60% of the Chinese e-commerce market.

The rapid consolidation of the dominant position of these largest digital giants in the market is due to several factors. The first factor is related to the network effect (i.e., the more users of the platform, the greater its value for everyone).

A second factor concerns the ability of platforms to extract, control, and analyze data. As in the case of the network effect, an increase in the number of users means an increase in data volume, which in turn allows you to overtake potential competitors and take advantage of the pioneer.

The third factor is that as soon as the platform starts to scale up and offer various integrated services, the costs of users associated with the transition to other service providers will begin to increase. Global digital platforms have taken steps to strengthen their competitive position, including by absorbing potential competitors and offering related products and services. Examples of the most visible takeovers made by companies operating on the basis of digital platforms are the acquisition of the LinkedIn social network by Microsoft and the acquisition of the WhatsApp communication network by Facebook. Alphabet (Google) and Microsoft have invested in telecommunications equipment, taking over Motorola and Nokia, respectively.

¹Andrea Szalavetz (2019): Digitalisation, automation and upgrading in global value chains - factory economy actors versus lead companies, Post-Communist Economies, <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85063081315>. European Journal of Social Theory.

Large platforms also carried out other large-scale acquisitions in the retail, advertising and marketing sectors, as well as in non-residential real estate.

**Алтиев Қ.С. – ТМИ мустақил изланувчisi,
Қаюмов С.А. – Binary graduate school магистранти
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва бу орқали макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига эътибор қаратилиб, ривожланган давлатлар мисолида иқтисодий хавфсизлик, рақамли иқтисодиёт ва унинг миллий иқтисодиётга таъсир доираси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, рақамли иқтисодиёт, ахборот хавфсизлиги, ахборот-технологик платформаси, блокчейн, марказлашган маълумотлар тизими, техноиқтисодиёт, рақамли ишонч, монетар ва фискал сиёsat, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, иқтисодий суверенитет, ҳалқаро савдо, озиқ-овқат хавфсизлиги, IP-телефония, сунъий интеллект.

**ПРОБЛЕМЫ ПРОДВИЖЕНИЯ К РАЗВИТИЮ ЦИФРОВОЙ
ЭКОНОМИКИ ЧЕРЕЗ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ**

В статье обращается внимание на развитие цифровой экономики через обеспечение экономической безопасности и изменения макроэкономических показателей, а также предоставляется информация об экономической безопасности, цифровой экономике и влиянии национальной экономики на развивающиеся экономики.

Ключевые слова: экономическая безопасность, цифровая экономика, информационная безопасность, платформа информационных технологий, блокчейн, централизованная база данных, уверенность в цифр, денежно-кредитная и фискальная политика, социально-политическая стабильность, экономический суверенитет, повышенная безопасность, международная торговля, IP-телефония, неестественный интеллект.

Кириш

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш шартларидан бири бу иқтисодиётни рақамлаштириш ҳисобланади. Айнан рақамли иқтисодиётга жадал суръатлар билан ўтилиши нафақат миллий иқтисодиётда ишлаб чиқилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархни камайтиришга, самарадорликни оширишга балким айнан давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга гарови ҳамдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам мазкур масаланинг бугунги кунда долзарблигини таъкидлаб, “...иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепсияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Хукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот ҳавфсизлигини

таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур” [1]кўйидаги фикрларни билдириб ўтмоқдалар. Бундан ташқари, «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] қарори билан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш, соҳада бўйича марказлашган маълумотлар тизимиға интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформасини жорий этиш ҳамда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида замонавий инфратузилмани қўллаш масаласи қўйилди. Шунингдек бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган қилиб белгиланди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Рақамли иқтисодиёт тўғрисида гап кетганда илк маротаба мазкур тушунчани ўз илмий изланишларида М. Кастельс томонидан ишлатилган бўлиб, тўлиқ тушунча берилиб кетилган[3]. Жумладан “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясида янги ахборот технологиялари даврида рақамли иқтисодиётнинг жамият, давлатлар ва инсонлар ҳаётидаги ўрни, цивилизацион дунёнинг барча жабҳаларидаги фундаментал таҳлиллар асосида илмий асосланган хulosалар шакллантирилган. М. Кастельс ўз хulosаларини нафақат турли ташкилотлар томонидан амалга оширилган ҳалқаро ва миллий ҳисбот маълумотлари таҳлиллари асосида, балким АҚШ, Япония, Тайван, Ж.Корея, Гонкон, Хитой, Англия, Франция каби давлатларида амалга оширилган илмий тадқиқотлари натижаларига ҳам асосланди. Мазкур тадқиқотлари ёрдамида бугунги дунё ҳамжамиятида иқтисодиётни рақамлаштириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш орқали инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги чуқур таҳлиллар асосида исботлаб берилган. Бундан ташқари О.Тоффлер томонидан “ахборотлашган иқтисодиёт” номли атама киритилиб, янги ахборот технологияларнинг иқтисодиётга жалб этилиши натижасида инсоният дунёсида бўладиган ўзгаришлар, уларнинг салбий ва ижобий томонлари атрофлича таҳлил қилинган[4], Б.Гейтс эса “техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” атамасини илмий дунёга киритиб, айнан рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали давлатлар, трансмиллий


корпорациялар ўртасида йирик рақобат майдони пайдо бўлиб, мазкур майдонда рақамли иқтисодиётга ставка қўйган, мазкур соҳани ривожлантиришга эришган давлатларгина ғолиб бўлишини илмий амалий жиҳатдан асослаб исботлашга муваффақ бўлди[5]. Д.Тапскотт эса рақамли иқтисодиётга ўзгача ракурсда таъриф беришга муваффақ бўлиб, уни “юқори интелектуал билимларга асосланган иқтисодиёт” деб таърифлаб, айнан юқори ахборот технологиялари дунёси юқори интелектуал билимга асосланишини исботлаб беришга муваффақ бўлди[6].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур атама ва тушунчалар бугунги кунда иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот технологияларининг бирламчи омил сифатида майдонга чиқиши, рақамлаштирилган дунё ракурсида ўзаро уйғунлашуви асносида юз беради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Рақамли иқтисодиётнинг замонавий ҳозирги ривожланиш босқичи нафақат давлат тузилмаси, иқтисодиётнинг турли жабҳалари балки инсонлар ва уларнинг ҳаёт тарзини ўзгартиришга ҳам сабаб бўлмоқда. Айнан рақамлаштириш, янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали бугунги кунда инсон ҳаётининг турли жабҳаларида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг жадал тарғиб қилиниши натижасида сунъий интелект, роботехника, кибер техника, нано технологияларни ривожлантиришга эришилди. Қўйидаги расм маълумотларига назар соладиган бўлсак, 2016 йилда 294 мингтани ташкил қиласан бўлса мазкур таҳлил қилинаётган Германия, АҚШ, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда, 2019 йилда бу кўрсаткич 484 мингтани тани, 2021 йилда эса 630 мингтани ташкил этиши прогнозлаштирилмоқда (1-расм).




1-расм. Ривожланган мамлакатлар томонидан сунъий интелект ёрдамида яратилган роботехникани ишлаб чиқариш ва занжирили ўсиши индекси таҳлили (минг бирликда ва занжирили ўсиши индексида) (2016-2017 - ҳақиқатда, 2020-2021 – прогноз кўрсаткичлар)[8]

“McKinsey Institute” томонидан амалга оширилган таҳлилларга таянадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда мавжуд бўлган барча касбларнинг 60 фоизини, мавжуд профессонал фаолиятларнинг эса 30 фоизини bemalol автоматлаштириш имконияти мавжудлигини, бундан ташқари 2030 йилга бориб 400 млн.инсонни турли даражадаги автоматлаштирилган роботлар ва машиналарга алмаштириш мумкин эканлигини илмий асосланган хулоса ва таҳлилар асосида исботлаб беришди[7].

Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг афзалик томонларига тўхталадиган бўлсак, давлат ва корпоратив бошқарув даражасида контрагентлар даражасида рақобатбардошлик муҳитини янги босқичга олиб чиқиш билан бир қаторда ҳалқаро бозорлар имкониятларининг кенгайишига олиб келади. Бунга McKinsey Глобал институти ҳисботида келтирилган маълумотларга таянадиган бўлсак, жаҳон ЯИМдаги товар иш, хизматлар бозори оқими улуши 2007 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилда 39 фоизгача пасайганини кузатишими мумкин. 2005-2014 йиллар давомида трансчегаравий маълумотлар базасининг ўзаро алмашинуви ҳажми қарийиб 45 баробар ошганини, 2014 йилдан бошлаб жаҳон савдо айланмасининг қарийиб 12 фоизи ҳалқаро электрон тижорат орқали амалга оширилганини эътироф этилиши буни яққол исботлаб турибди[9].

Бундан ташқари The Boston Consulting Group (BCG) маълумотларига кўра, ривожланган давлатларнинг ЯИМда рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилга нисбатан 1,2 фоизга ўсиб, бугунги кунга келиб 5,5 фоизни ташкил этмоқда.



2- расм. Ривожланган давлатлар ЯИМда рақамли иқтисодиёт улушкининг 2010-2016 йиллардаги ўзгариш динамикаси таҳлили (фоизда)[10].

Расмдаги ривожланган давлатларнинг ЯИМда рақамли иқтисодиёт улушининг 2010-2016 йиллардаги ўзгариш динамикасига назар соладиган бўлсак, Буюк Британияда мазкур кўрсаткич бўйича дунёдаги етакчи ўринда бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 12,4 фоизга қадар кескин ўсишга эришилганини кўришимиз мумкин. Жанубий Корея ва Хитойда ҳам мазкур кўрсаткич юқори бўлиб, 2016 йилда 8 ва 6,9 фоизларни ташкил этган. Жанубий Африка республикасида эса ЯИМда рақамли иқтисодиёт улуси 2010 йилда 1,9 фоиздан 2016 йилда 2,5 фоизга қадар ўсиши кузатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Universal Mobile Systems» МЧЖ устав капиталидаги давлат улушкини 100 фоиз микдорда Жамғармага бегараз асосда топшириш механизми йўлга қўйилди. Мазкур Агентлик ва Жамғарма юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (КРІ) ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни жорий этиш учун зарур техник базани яратиш билан бир қаторда, 2019 —2021 йилларда «Universal Mobile Systems» МЧЖни ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқилиши белгиланди. Албатта мазкур жараёнда операторнинг бошқарув тизимига, мобиль хизматлар кўрсатиш соҳасида етарли тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб этиш орқали инновацион менежментни жорий этиш ҳамда ички куч ва маблағларни сафарбар этиш, телекоммуникация ускуналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги глобаллашув жараёнда иқтисодий хавфсизлик масаласи миллий хавфсизлик масаласининг ажралмас қисми ҳисбланиб, мазкур ҳолатда ички ва ташқи таҳдидлар, омилларни ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни барқарор ва мустақил иқтисодий ривожлантиришга эришиш имконияти мавжуддир (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий хавфсизлик ва унинг миллий иқтисодиётга таъсир доираси тавсифи²

Мақсадлар	Таъсир этувчи фаолият йўналишлар ва улар тавсифи
Миллий иқтисодий барқарорликка эришиш ва ҳалқаро даражада иқтисодий позицияларни мустаҳкамлаш	Узлуксиз иқтисодий барқарор ўсиш даражасининг таъминланиши ва оптималь иқтисодий тузилмани яратиш; самарали монетар ва фискал сиёсатнинг амалга оширилиши; ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий суверенитетнинг таъминланиши; ҳалқаро савдо фаолиятида чекловларнинг бартараф этилиши; янги юқори даражали илмий-техник салоҳиятнинг барқарорлигини таъминлаш; экспорт-импорт фаолиятини ривожлантиришга эришиш

² Тадқиқотчи ишланмаси.

Миллий иқтисодиётда моддий ва маънавий ресурслар ҳаракатланиши ва уларни самарали тақсимотини таъминлаш	Самарали давлат бошқарув тизимини жорий этишга эришиш; моддий ва маънавий ресурсларнинг самарали тақсимотини таъминлаш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; моддий ва маънавий ресурслар базасининг етарлилик даражаси ва манбалар деверсификациясини таъминлаш
Моддий ва маънавий ресурсларнинг самарали тақсимоти устидан давлат назорати ва мониторингини амалга ошириш	Ресурсларнинг самарали тақсимоти устидан доимий давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш, доимий узлуксиз мониторингини амалга ошириш, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш жараёнини йўлга қўйишига эришиш
Аҳоли фаровонлигини oshiриш	Миллий иқтисодиётда бандлик муаммосини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондириш, инсон капиталини рағбатлантириш, инсон капиталига молиявий русурсларни жалб этишнинг самарали механизмини жорий этиш муаммоларини бартараф этишига эришиш.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий хавфсизлик ва унинг миллий иқтисодиётга таъсир доирасини кўрадиган бўлсак, давлатнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини таъминлаш орқали миллий иқтисодий барқарорликка эришиш ҳамда халқаро даражада иқтисодий позицияларни мустаҳкамлашга, моддий ва маънавий ресурслар ҳаракатланиши ва уларни самарали тақсимоти устидан давлат назорати ва мониторингини амалга оширишга эришиш мумкин. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш жараёнида албатта таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсир этувчи ички омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- барқарор иқтисодий ўсиш даражаси;
- аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ аҳоли қатламишининг умумий аҳоли сонидаги улуши;
- давлат бошқарув тизимиning барча буғинларида коррупциянинг мавжудлик даражаси;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишсизлик даражасининг мавжудлиги; таълим сифатининг пастлиги;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли кўриниш ва шаклларда маъмурий ва молиявий тўсиқларнинг мавжудлиги.

Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсир этувчи ташқи омилларга эса қўйидагиларни киритиш мумкин:

- жаҳон бозорларида кучли рақобат муҳитининг мавжудлиги ва уларга нисбатан кучли ҳимоя тизимишинг мавжуд эмаслиги;
- миллий иқтисодиётнинг ташқи савдо сотик шартларига юқори даражада боғлиқликнинг ва қарамликнинг мавжудлиги;

- илғор замонавий технологияларни яратилиш даражасининг пастлиги ҳамда мазкур дастурий таъминот турларини ишлаб чиқишида рақобат бозорида ортга қолиш ҳолатининг мавжудлиги;

- хорижий давлатлар томонидан турли молиявий санкцияларни қўлланилиши.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизни ривожланган хорижий мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш масаласини ҳам ҳал этиш бунда эса барча давлат хизматларининг фақатгина операторнинг маълумотларга ишлов бериш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур қарорда:

- операторнинг устав капиталидаги топширилаётган давлат улушкини бошқариш Жамғарма томонидан фақатгина Жамғарма Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши;

- операторнинг устав капиталидаги давлат улусидан олинадиган даромадлар, шунингдек, мақсадли имтиёзлар беришдан бўшайдиган молиявий маблағлар Концепцияни амалга ошириш даврида технологик ускуналарни модернизация қилиш ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида Жамғарма ҳисобига йўналтирилиши;

- концепцияда назарда тутиладиган тадбирлар операторнинг ўз маблағлари ва Жамғарма маблағлари, жалб этиладиган қарз маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши;

- оператор 2021 йил 1 декабрга қадар муддатга телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи, радиочастоталар спектридан фойдаланиш учун тўлов, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун эксплуатация йигими тўлашдан озод этилиши;

- операторга фақат ўз тижорат эҳтиёжлари учун, бошқа оператор ва провайдерларга овозли телефония ва интернет трафиги халқаро каналларини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқисиз халқаро телекоммуникация тармоқларига (маълумотлар ва овоз узатиш тармоқларига), шу жумладан, «IP-телефония» технологиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри уланиши каби чора тадбирлар режаси белгилаб олинди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эришишда юқоридаги масалаларга қўйида таклиф этилаётган йўллар орқали ечим излаш зарур:

1. Миллий иқтисодиётда моддий ва маънавий ресурслар ҳаракатланиши ва уларни самарали тақсимотини таъминлашда моддий ва маънавий ресурсларнинг самарали тақсимотини таъминлаш, самарали давлат бошқарув тизимини жорий этишга эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

моддий ва маънавий ресурслар базасининг етарлилик даражаси ва манбалар диверсификациясини таъминлаш орқали эришилади.

2. Миллий иқтисодий барқарорликка эришиш ва халқаро даражада иқтисодий позицияларни мустаҳкамлаш учун узлуксиз иқтисодий барқарор ўсиш даражасининг таъминланиши ва оптимал иқтисодий тузилмани яратиш, самарали монетар ва фискал сиёсатнинг амалга оширилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий суверенитетнинг таъминланиши, ҳалқаро савдо фаолиятида чекловларнинг бартараф этилиши, янги юқори даражали илмий-техник салоҳиятнинг барқарорлигини таъминлаш, экспорт-импорт фаолиятини ривожлантиришга эришиш

3. Моддий ва маънавий ресурсларнинг самарали тақсимоти устидан давлат назорати ва мониторингини амалга ошириш мақсадида ресурсларнинг самарали тақсимоти устидан доимий давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш, доимий узлуксиз мониторингини амалга ошириш, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш жараёнини йўлга қўйишга эришиш орқали эришилади.

4. Аҳоли фаровонлигини оширишда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондириш, миллий иқтисодиётда бандлик муаммосини бартараф этиш, инсон капиталига молиявий русурсларни жалб этишнинг самарали механизмини жорий этиш муаммоларини бартараф этишга эришиш, инсон капиталини рағбатлантириш орқали эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси».

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 21 ноябрь, ПҚ-4022-сонли қарори.

3. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. <https://www.litres.ru/manuel-kastels/informacionnaya-epoha-ekonomika-obschestvo-i-kultura-24131802/>

4.Toffler, Alvin. The Third Wave, 1980. Тоффлер, Элвин. Третья волна. Перевод на русский язык: А. Мирер, И. Москвина-Тарханова, В. Кулагина-Ярцева, Л. Бурмистрова, К. Бурмистров, Е. Комарова, А. Микиша, Е. Руднева, Н. Хмелик. — М., 2004. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 27.01.2011. [URL: https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4821](https://gtmarket.ru/laboratory/basis/4821)

5.Гейтс Билл.Бизнес со скоростью мысли. ISBN:5-04-006117-X.
Издательский дом: Эксмо.2003 г.

https://royallib.com/book/geyts_bill/biznes_so_skorostyu_misli.html

6.Д.Тапскотт. «Электронно-цифровое общество».
<https://www.livelib.ru/book/1000308074-elektronnotsifrovoe-obschestvo-don-tapskott>

7. McKinsey Global Institute (MGI) (2017).JOBS LOST, JOBS GAINED: WORKFORCE TRANSITIONS IN A TIME OF AUTOMATION/ McKinsey & Company/p.ii.(21pp)/ <https://www.mckinsey.com/mgi>.
- 8.IFM.(2019). World Economic outlook database October 2018.[online] Imf.org. Available at:
<https://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2018/02/weodata/index.asp> [Accessed 19 jan. 2019].
9. Цифровизация: история, перспективы, цифровые экономики России и мира <http://www.uppro.ru/library/strategy/tendencii/cyfrrovizaciya-trend.html>
10. [https://hightech.fm/2017/05/31/china-ecommerce.](https://hightech.fm/2017/05/31/china-ecommerce)